

## Пресс-релиз

"Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ ва Наманган вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида "Pop sement" МЧЖ да навбатдаги пресс-тур ташкил этилди.

Маълумотларга кўра, Наманган вилоятида 2017–2021 йилларда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш бўйича **4,3 трлн.сўмлик 395 та** янги инвестиция лойиҳалари амалга оширилган бўлиб, ишлаб чиқариш қуввати **2,1 трлн.сўм** етказилган. Натижада **8991 та** янги иш ўринлар яратилди.

Хусусан, Поп туманида "Поп цемент" МЧЖ томонидан йилига 300 минг тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига яратилди. Лойиҳанинг умумий қиймати **28 млн.доллар бўлиб, корхона фойдаланишга топширилгач 300 нафар** янги иш ўринлари яратилди.

Чуст тумани Чустнон-Дўстларобод МФЙ умумий қиймати **16.5 млн.долларлик** йиллик қуввати **250 минг** тонналик цемент маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "Наманган цемент" МЧЖ корхонаси ишга туширилди.

Давлатобод тумани Юксалиш кичик саноат зонасида эса йилига **1.7 минг кв метр** керамик плита маҳсулотлари ишлаб чиқаришга итхтисослашган "FLAT TILE" МЧЖ корхонаси фойдаланишга топширилди.

Вилоятда **2021–2023 йилларда** қурилиш материалларини ишлаб чиқариш бўйича **9.0 трлн.сўмлик 160 та** янги инвестиция лойиҳалари шакллантирилди.

Амалдаги ва янги шакллантирилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида 2022 йилда вилоятнинг цемент (**3,0 млн тонна** ишлаб чиқарилади), керамик плиткалар (**435.6 минг. квадрат метр**), графитдан электрод (**0.4 минг тонна**) бўлган талаби тўлиқ қопланади.

Янги шакллантирилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида 2022 йилда вилоятнинг керамик плиткалар (**435.6 минг. квадрат метр**), графитдан электрод (**0.4 минг тонна**) бўлган талаби тўлиқ қопланади.

Наманган вилоятида цемент заводлар сони яна биттага кўпайди. Поп туманида "Поп цемент" МЧЖ томонидан йилига **300 минг тонна** сифатли цемент ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона барпо этилди. Лойиҳанинг умумий қиймати **28 млн долларни** ташкил этади. Эътиборлиси, ушбу бунёдкорлик ишларига **21 млн долларлик** хорижий инвестиция жалб қилинган.

Лойиҳани амалга ошириш учун қурилиш ишлари 2018 йилнинг март ойида бошланган.

Технологик ускуналар **Хитой** давлатидаги ҳамкори «**Nanjing c-hope cement engineering group**» томонидан таъминланган. Айни кунга қадар **21 млн АҚШ доллар** миқдорида хорижий инвестициялар ўзлаштирилган.

Жамият ўзининг хом ашё базаси яъни конларига эга. Яна бир эътиборга молик жиҳати янги қувватни ишга тушириш билан **300 та поплик ёшлар** иш билан таъминланади.

Маълумот учун, айни пайтда мамлакатимизда цемент ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 31 та корхона мавжуд бўлиб, 2021 йилда цемент ишлаб чиқариш бўйича қувватлар 21,3 миллион тоннага етказилди.

Таҳлилларга эътибор қаратадиган бўлсак, ўтган йилда Республика бўйича жами 14,2 млн тонна цемент ишлаб чиқарилган.

**"Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси**

**Матбуот хизмати**